

Савол:

Айрим соч мойлари ва шампунлар таркибида тухум, лимон каби Аллоҳнинг неъматлари бўладики, одатда аёллар уларни бошларига суртиб, кейин ювиб ташлашади. Уларни ишлатиш ҳукми қандай? Хоссатан, аёллар уларни ишлатишади-да, кейин сув билан биргаликда канализацияга оқизиб юборишади ва мазкур неъматлар нажосатларга аралашиб кетади.

Жавоб:

Ушбу озиқ-овқат неъматларини даволаниш ва сочни озиқлантириш каби бошнинг манфаатлари учун ишлатишнинг зарари йўқ. Чунончи, тухум, лимон ва бошқа озиқ моддалари билан даволаниш мумкин. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Даволанингиз эй Аллоҳнинг бандалари!**», деганлар (Саҳиҳул-жомиъ: №7934), «**Ва ҳаром билан даволанманглар**», деганлар (Ас-сисилатус-саҳиҳа: №1633).

Агар тухум ва шунга ўхшаш озиқ моддасини даволаш мақсадида бошга суртгандан кейин у айнийди ва ейишга яроқсизга айланади. Шундок экан, уни ҳаммомларда ювиб ташлашнинг зарари йўқ.

(Ибн Боз: Мажмуъу фатава: 10/177).